



Халқ сўзи

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 9 июль, № 146 (8208)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Мана шу файзли дамларда Ер юзидаги жами мусулмон уммати қатори қалби шукҳга тўлиб турган сиз, азиятларни — нуроний отахон ва онахонларимизни, қадрли ака-ука ва опа-сингилларимизни, навқирон ёшларимизни, иймон-этиқодли халқимизни улуғ айём — Қурбон ҳайити билан чин қалбимдан самимий табриклаб, энг эзгу тилақларимни билдираман.

Ушбу саодатли онларда ҳаммамиз аввало Ийд ал-адҳо байрамига эл-юртимиз билан биргаликда тинчлик-омонлик ва сихат-саломатликда етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтишимиз табиийдир.

Барчамизга аёнки, ислом дини аввало тинчлик, эзгулик ва инсонийлик динидир.

Муқаддас Қуръони каримнинг юз-дан ортиқ оятларида тинчликка қақчилган, хусусан, “Бақара” сурасида: **“Эй, имон келтирганлар! Ёлпасига тинчлик ишига қиршингиз!”**, дея марҳамат қилинган.

Ҳозирги гоят мураккаб ва таҳликалӣ замонда тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашдек ўткир талаблар юртимизда яшаётган ҳар бир

мўмин-мусулмон, ҳар бир инсон учун ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ишонаманки, бу эзгу ва муқаддас вазифа Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг қалб даъвати ва инсоний бурчига айланиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг тинч, эркин ва фаровон ҳаётини, фарзандларимизнинг ёруғ келажagini таъминлаш йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хурматли дўстлар! Аллоҳ таоло томонидан азиз ва мукаддас қилиб яратилган инсонни, унинг шаъни, қадр-қиммати ва ҳурматини улуғлаш каби муқаддас тушунчаларни ўзида акс эттирган ушбу байрам юртимизда инсон қадрини юксалтириш, халқимизни ҳаётдан рози қилиш борасида олиб бораётган кенг кўламли ислохотларимизнинг маъно-мазмунига ҳар томонлама уйғун ва ҳам-оҳанг экани билан ҳам айниқса эътиборлидир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда миллий-диний қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришга ҳар томонлама эътибор қаратилмоқда. Табарруқ зиёратгоҳ ва қадамжолар, кўҳна масжид ва мадрасаларни обод қилиш, буюк аж-

долларимизнинг бебаҳо маънавий-маърифий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш борасида олиб бораётган ишларимиз халқимиз ва дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилаётгани барчангизга яхши маълум.

Айниқса, фуқароларимизнинг диний эътиқод борасидаги ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланиб, мўмин-мусулмонларимиз ибодат амалларини эмин-эркин бажармоқдалар.

Бу ҳақда сўз юритганда, икки йиллик коронавирус пандемияси чекловларидан сўнг бу йил 12 минг ватандошимиз муқаддас ҳаж амалларини бажариш имконига эга бўлгани, кейинги 6 ойда 40 мингга яқин юрдошимиз умра зиёратини адо этганини таъкидлаш лозим.

Сўнгги йилларда шаклланган эзгу аъёнамизга мувофиқ, Қурбон ҳайити муносабати билан эълон қилинган дам олиш кунлари юрдошларимизга бу айёмни ўз оиласи ва яқинлари бағрида янада мазмунли ўтказиш, гўзал ва бетакрор юртимиз бўйлаб кўнгилли саёҳатларини амалга ошириш учун қулайлик яратди.

Биз табарруқ динимиз ва ўлмас қадриятларимиз, ўзаро ҳурмат, меҳр-мурувват, саховат ва ҳамжihat-

лик, сабру қаноат ва шукроналик сингари улуғ фазилатларни мустаҳкамлаб келаётган муборак Қурбон ҳайитининг барҳаёт анъаналари асрлар оша инсонларни, турли халқлар ва элатларни бирлаштирувчи бекиёс маънавий куч бўлиб хизмат қилаётганидан фахрланамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, дунёнинг олис ва яқин мамлакатларида яшаётган мусулмон дўст ва биродарларимизни, хорижий ҳамкорларимизни ушбу мўътабар айём билан қутлаб, уларга бардавом тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

Азиз юрдошлар! Барчангизни муқаддас Қурбон ҳайити байрами билан яна бир бор табриклайман.

Эл-юртимизнинг бу муборак ойда қилган ибодатлари, эзгу ниятлари ижобат бўлсин!

Аллоҳ таоло гўзал диёримизни, олижаноб ва бағрикенг халқимизни ҳамisha ўз панохида асрасин!

Азиз Ватанимизда тинчлик ва барқарорлик ҳамisha бардавом бўлсин! Эзгу ишларимиз, интилишларимизда Яратганнинг Ўзи доимо мададкор бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРΙΑТИ ТОМОНИДАН ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ВАЗИЯТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ БЎЙИЧА КЎРИЛАЁТГАН БАРЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲУҚУҚИЙ ДОИРАДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА



Қатор хорижий нашрлар, жумладан, «The Korea Post» журнали (Жанубий Корея), «Daily Spokesman» газетаси (Покистон), «Q8-PRESS» интернет-нашри (Қувайт), «Leta.lv» онлайн-нашри (Латвия), «Инфозакон» (Қозғоғистон), «News Central Asia» (Туркменистон) порталлари, «Avesta» ахборот

агентлиги (Тожикистон) ва бошқа оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 3 июль куни Нукус шаҳрида халқимиз ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси депутатларига йўллаган мурожаатининг тўлиқ матнини инглиз, араб ва рус тилларида эълон қилди.

Ушбу ахборот материаллари-

Қорақалпоғистон Республикасида 1-2 июль кунлари содир бўлган воқеалар хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилмоқда. Аксарият материалларда Ўзбекистон раҳбарияти томонидан вазиятни барқарорлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар Қорақалпоғистонда тинчлик-хотиржамлик ва изчил ривожланишни таъминлашга хизмат қилиши қайд этилган.

■ Дунё нигоҳи

да Ўзбекистонда муҳим сиёсий жараён — мамлакатимизнинг Асосий Қонунига киритиш тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг умумхалқ муҳокамаси давом этаётгани таъкидланган.

Нашрларда ушбу конституциявий ислохотларга мамлакатни янада ижтимоий-сиёсий ҳамда социал-иқтисодий ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган эзгу ғояни амалга ошириш мақсадида қилиш таъкидланган.

Фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаси ва фикрларини демократик таъминлаш ва ҳуқуқий нормалар асосида эркин ифода этиши учун яратилган шарт-шароитларга

қарамай, конституциявий ислохотлардан норозилик баҳонасида айрим кучлар тажовуз ва зўравонлик йўлини танлаб, ўз худбин мақсадлари йўлида Ўзбекистондаги вазиятни издан чиқаришга ва беқарорлаштиришга уринаётгани таъкидланган.

Хорижий оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон пойтахти Нукусда содир этилган тартибсизликларга таъкид қилиш бўйича қонун лойиҳасига норозилик билдириш баҳонасида бир гуруҳ қонунбузарлар зўравонлик ҳаракатлари, тўқнашувлар ҳамда давлат ҳокимияти биноларини мажбуран эгаллаб олишга уринишлар уюштиргани маълум қилинган.

портالي, Беларуснинг «Smartpress.by», Канаданинг «SaltWire» нашрлари ва бошқа қатор хорижий ахборот ресурсларида туркум материаллар эълон қилинди.

«Ani News» AA ва «The Economic Times» газетаси (Хиндистон), «Global Times» (Хитой), «Report.az» (Озарбайжон), «Mignews» (Исроил) нашрлари, «Интерфакс» (Россия), «Iran News» (Эрон) ва бошқалар Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг баёноти матнини чоп этди. Материалларда таъкидланганидек, 1-2 июль кунлари Нукусда мамлакатнинг конституциявий тузумига, ҳудудий яхлитлигига ва бирлигига путур етказишга ҳаракат қилинди. Умумхалқ муҳокамасига чиқарилган Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасига норозилик билдириш баҳонасида бир гуруҳ қонунбузарлар зўравонлик ҳаракатлари, тўқнашувлар ҳамда давлат ҳокимияти биноларини мажбуран эгаллаб олишга уринишлар уюштиргани маълум қилинган.



О, СЕНИНГ ЁШЛИГИНГ МЕНДА БЎЛСАЙДИ...

Ҳар гал болалар кўзида қувонч порлаганида, дилимда бир соғинч пайдо бўлади. Бир зум онгу шууримда мисоли болага айланиб қоламан. Гўёки, шўх-шодон давраларни қиздираётган ўғил-қизлар тенгдошларимдек туюлади. Шунда фарзандларимга қарата: “Қанийди, сенин ёшлигинг менда бўлсайди”, дейман беихтиёр. Бинобарин, ёш авлод бўй-бастиди, сийратиди шундоққина янги Ўзбекистоннинг ўзини кўргандай бўламан. Агар мўъжиза рўй бериб, навқирон йигитга айланиб қолсам, биласизми нима қилардим? Бутун ҳаётимни, борлигимни шу Ватанга бахшида айлардим. Шу юрт, шу замин тараққиёти ва равнақи учун бор куч-қувватимни ишга солардим.

■ Дил сўзи

Тўғри-да, Ўзбекистон ёшларидек бахтиёр ўғил-қизларни ҳеч қайси юртда учратмайсиз. Уларга имкониятлар ошиги ланг очик. Билагида гайрати жўш урган ёш борки, ўқиб, ишлаб кам бўлмаппти. Бирорта йигит-қиз давлатимиз эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Тадбиркор бўлмоқчимми, фермерми ёки чет элда ўқишни истайдими, тил ўрганмоқчимми, қўйиники, қайси касб этагини тутмоқчи бўлса барча имконият мавжуд.



ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 8 июль куни геология соҳасидаги натижалар ва йил якунигача бўлган режалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси Б. Исмолов охири йилларда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди. Жумладан, замонавий технологиялар жорий қилинган натижасида геологик ўрганиш ва бурғилаш ишлари ҳажми 1,5 баробаргача ошгани айтилди.

Ер ости қазилмаларига солиқ ставкалари пасайтирилиб, соҳада хусусий инвесторларга йўл очилди. Қонларни аукцион орқали сотиш ҳисобига, 1 миллиард 400 миллион доллар инвестиция киритиш бошланди.

Геология фанлари университети ташкил этилиб, фаолияти энг замонавий технологиялар ва илгор методикалар асосида йўлга қўйилди.

Шу йил 19 май куни бўлган тақдиротда Президент “Навоийурани” давлат қорхонасини трансформация қилиш, уран захирасини ошириш бўйича топшириқлар берган эди. Бугун шу борада бошланган ишлар, ўрта ва узок муддатта мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ҳақида ахборот берилди.

Унга кўра технологик жараён ва молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга ўтказиш, уран ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда захирасини 2030 йилгача 2 баробар ошириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу ишларни самарали ташкил этиш учун “Навоийурани”да лойиҳа офиси очилди, чет эллик мутахассисларни жалб қилиб, қадрлар малакасини ошириш кераклигини таъкидлади.

Рангли ва ноёб металл қонларни ўзлаштириш масаласига ҳам

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

8 июль куни Тошкент шаҳрида Сенатнинг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма саккизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, Ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалока тарзида ўтказилган ялпи мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали онлайн эфирга узатилди.

Дастлаб сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йил якунлари бўйича ижроси ва 2022 йил биринчи чорағидида ижроси тўғрисидаги ҳисоботларини муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, республика-мизда амалга оширилган самарали фискал ва монетар сиёсат натижасида иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари 2021 йилда 7,4 фоизни ташкил этди. 2022 йилнинг I чорағида ялпи ички маҳсулот ҳажми 5,8 фоизга ўсиши таъминланган.

Давлат бюджети даромадлари ҳажми 2021 йилда олдинги йилдагига нисбатан деярли 32 триллион сўмга ўсган. Жорий йилнинг биринчи чорағида ҳам ижобий ўсиш суръатлари сақланиб қолган. 2022 йилнинг I чорағида Давлат бюджети даромадлари ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 8 триллион сўмга кўпайган.

Давлат бюджети даромадлари ўсишига сўнгги йиллардаги солиқ сийсатининг ўзгартрилиши, иқтисодиёт соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар ҳисобига солиқ базасининг кенгайтирилиши таъсир кўрсатганлиги қайд этилди.

Давлат бюджетининг харажатлари молиялаштирилиши таъмин-



ланган. Жумладан, 2021 йилда иқтимоий харажатларнинг асосий қисmini ташкил этган таълим тизими муассасаларини сақлаш ва уларни ривожлантириш харажатларига Давлат бюджетидан 39 триллион 641 миллиард сўм маблағ йўналтирилган. Шунингдек, 2021 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига 2020 йилдагига нисбатан 20 фоиз кўп маблағлар ажратилган.

Маҳаллий бюджетларнинг 2021 йилги даромадлари дастлабки прогноз кўрсаткичларига нисбатан 119 фоизни, 2022 йилнинг биринчи чорағида эса 112 фоизни ташкил қилган. Маҳаллий бюджетларнинг харажатлари ҳам режага нисбатан 111 фоизга ижро этилиб, 65,5 триллион сўмни ташкил этган.

Сенат аъзолари муҳокамалар жараёнида солиқ ва боғхона идоралари томонидан белгиланган Давлат бюджети даромадлари прогнозининг бажарилишида солиқларнинг ундирувчанлик даражасига, солиқ қарздорлигини ва ортиқча тўловларни қисқартириш масаласига асосий эътибор қаратдилар.

Шунингдек, маҳаллий бюджетларнинг ижроси ва белгиланган прогноздан ортиқча тушган даромадлардан мақсадли фойдаланилиши борасида йўл қўйилаётган камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Сенаторлар томонидан “Очиқ бюджет” портали орқали маҳаллий бюджетнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан жамоатчилик фикрининг ҳисобга олиниши ҳолати юзасидан ҳам ўз муносабатлари билдирилиб, бу борада шаффофликни ва фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Давлат бюджети даромадлари ҳамда харажатлари ижросини таъминлашда, бюджет давлат мақсадли жамғармалари маблагларидан самарали ва мақсадли фойдаланишда айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги қайд этилиб, хато-камчиликлар, уларнинг олдини олиш бўйича қўрилаётган чоралар каби долзарб масалаларга ва уларнинг ечимига эътибор қаратилди.

Хусусан бюджетга боқиманда қарздорлик 2022 йил 1 январь ҳолатига 2021 йилнинг мос давридагига нисбатан 1,7 баравар ошиб, йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ қарзи 3,5 баравар ўсган. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун ажратилган 2 триллион 28 миллиард сўм микдордаги маблагларнинг 29,5 фоизинга ўзлаштирилган ҳолос.

Шунингдек, давлат харидлари соҳасида етарлича назорат ўрнатилмаганлиги оқибатда давлат буюртмачилари томонидан харидларнинг рақобатли усулларини четлаб ўтиб, қонунчиликка зид равишда тўғридан-тўғри шартномалар тузилаётган ҳолатлар мавжудлиги танқид қилиниб, бу борада камчиликка йўл қўяётган ҳодимлар масъулияти қўриб чиқишли лозимлиги тўғрисида тегишли тасвиқлар берилди.

Бюджет интизомига риоя этилиши ва бюджет маблагларининг мақсадли сарфланиши юзасидан ўтказилган 7 133 та молиявий назорат тадбирининг 5 880 тасида ёки 75 фоизда 122 миллиард 800 миллион сўмлик камомат, 949,3 миллиард сўмлик ноқонуний харажатлар аниқланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг даромадлар прогнози қўрсаткичлари ўзгартрилиши юзасидан тегишли қарорлари қабул қилинмаган.

Қўриб чиқилган масалалар юзасидан Сенатнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар “Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида”ги қонунни қўриб чиқди. Қонун солиқ маслаҳатчилари институтини шакллантириш, солиқ маслаҳатчи соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш ва солиқ тўловчиларга малакали солиқ маслаҳати хизматлари қўрсатилишини таъминлаш тизимини яратишга қаратилган.

Қонун билан солиқ маслаҳати соҳасини тартибга солиш ваколати жамоатчилик ташкилотли бўлган Ўзбекистон Солиқ маслаҳатчилари палатасига ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Солиқ маслаҳатчилари палатаси солиқ маслаҳати соҳасида фаолиятни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бўйича функцияларни бажарадиган, солиқ маслаҳатчилари, солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг ихтиёрий аъзолиги асосида ташкил этиладиган касбий бирлашмаси ҳисобланиши белгиланган.

Шу муносабат билан Молия вазирлигининг солиқ маслаҳатчилирининг малака сертификатини бериш, қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тугатиш, солиқ маслаҳатчиларининг касбий даражасини ривожлантириш каби асосий функциялари Солиқ маслаҳатчилари палатасига ўтказилмоқда.

Қонунда йиллик товар айланмаси охириги 3 йил мобайнида 1 миллиард сўмгача бўлган солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқ маслаҳатчилари томонидан солиқлар бўйича берилган хулосалари солиқ органлари томонидан тан олинини қўзда тутилган.

Солиқ маслаҳатчиси адвокатлик тузилмалари, аудиторлик ташкилотлари, бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича хизматлар қўрсатувчи бошқа юридик шахсларнинг штатида, шунингдек, давлат органларида асосий иш жойи бўйича ишлайдиган солиқ маслаҳатчиларига малака сертификатининг амал қилиши тугатилмаслиги қўрсатилган.

Қонун билан солиқ маслаҳати хизмати турлари кенгайтирилмоқда ва солиқ маслаҳатчиларига бир қатор ҳуқуқлар берилмоқда. Жумладан, солиқ маслаҳатига оид ҳуло-сани судларда ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда солиққа оид ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлган ишларни қўриб чиқиш чоғида асос сифатида тақдим этиш ҳуқуқи берилмоқда.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилотли солиқ маслаҳати бўйича хизматлар билан бир қаторда экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш бўйича консалтинг хизматлари, инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилиш, экспертизадан ўтказиш ва мониторинг қилиш каби хизматлари қўрсатиши мумкин.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Мажлисда сенаторлар ушбу қонунни мамлакатимизда аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда дастуриламал бўлиб хизмат қилишини қайд этишди.

Қонуннинг янги нормаларида фавқулодда вазиятларни бартараф этиш тадбирларини амалга ошириш, эълон қилиш хавфи юзага келганлиги тўғрисида аҳолига хабар бериш, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг аниқ вазифалари ҳамда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш тадбирларига раҳбарлик қилиш ва яна бир қатор жиҳатлар мустаҳкамланган.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича махсус ваколатли давлат бошқаруви органи сифатида қайд этилмоқда.

Унинг ваколатларига аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик ижросини таъминлаш, фавқулодда вазиятларни олдиндан прогноз қилиш, уларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш режаларини ишлаб чиқиш ва бошқарил қиритилган.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотихорат ташкилотларининг ҳамда оммавий ахборот воситаларининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда иштирок этиш тартиби белгиланмоқда.

Хусусан, улар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда иштирок этиш, аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишлари мумкин.

Шунингдек, ушбу қонунда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш ва шошилинч тарзда фойдаланиш тартиби аниқ белгиланмоқда.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш тартиби, эълон қилиш, бартараф этишга доир ишларга раҳбарлик қилиш ва раҳбарлик қилувчи шахсларнинг ваколатлари ҳамда вазирлик ва идораларнинг (Миллий гвардия, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Ташқи ишлар, Қишлоқ ҳўжалиги, Сув ҳўжалиги, Қурилиш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари ва вазирликлари ва бошқалар) вазифалари янги алоҳида моддаларда белгиланган.

Сенаторлар томонидан ушбу қонун бир овоздан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонунни муҳокама қилди.

Қонун билан махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига улар томонидан қиритилган инвестициялар ҳақимидан келиб чиққан ҳолда, 3 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга фойда солиғидан озод этилиши белгиланмоқда.

Хусусан, 3 миллион АҚШ долларида 5 миллион АҚШ долларигача бўлган микдордаги инвестициялар учун 3 йил муддатга, 5 миллион АҚШ долларида 15 миллион АҚШ долларигача бўлган микдордаги инвестициялар учун 5 йил муддатга ва 15 миллион АҚШ доллари ҳамда ундан юқори микдордаги инвестициялар учун 10 йил муддатга фойда солиғидан озод этилиши юзасидан Солиқ кодексига қўшимча қиритилмоқда.

Қонунда махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари томонидан фойда солиғи бўйича имтиёзларнинг 2020 йил 1 январдан кейин фойдаланилмай қолган қисми ҳам татбиқ этилиши белгиланмоқда.

Қонун қабул қилиниши натижасида махсус иқтисодий зона иштирокчилари ўз ихтиёрида 47,9 миллиард сўм маблагларни иқтисод қилдилар. Натижада қорхоналарнинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажмлари ортиб, қўшимча иш ўринлари ташкил этилишига имкон яратилди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра “Солиқ ва боғжона қонунчилиги таъминлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда барча соҳалар каби солиқ-боғжона қонунчилигининг таъминлаштирилиши натижасида жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолияти кенгайтирилишига, улар учун зарур шароитлар ҳамда имкониятлар яратилишига эришилди.

Аҳоли ва тадбиркорларга қўшимча имтиёзлар бериш мақсадида мазкур Солиқ ҳамда Боғжона кодексларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар қиритилмоқда.

Хусусан, мобилъ алоқа хизматлари учун акциз солиғи ставкаси туширилмоқда, фарзандларига нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаблар қўрсатадиган таълимга оид хизматлар учун ота-оналар (фарзандликка олувчилар) томонидан тўланадиган ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлар даромад солиғидан озод этилмоқда.

Бундан ташқари, талабаларнинг олий таълим муассасалари ҳудудида ташкил этган пуллик ўқув курслари, спорт тўрақлари ва бошқа таълим хизматларини қўрсатишдан олинган даромадлари, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларнинг, шу жумладан, давлат-хусусий шериклигидagi нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларнинг қонунчиликда белгиланган айрим турдаги харажатлари жами даромадлар таркибига қиритилмаслиги белгиланмоқда.

Шу билан бирга, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича тиббиёт асбоб-ускуналари ва буюмларининг эҳтиёт қисмлари ҳамда тиббиёт мақсадлари учун сарфлаш материаллари импорти қўшилган қиймат солиғидан озод қилинмоқда.

Чакана савдо ва умумий овқатланиш, меҳмонхона, автотранспортда йўловчи ва юк ташиш, транспорт воситаларига техник хизмат қўрсатиш, компьютер хизматлари, маиший техникани таъмирлаш, агро ва ветеринария ҳамда кўнглинлар марказларда хизмат қўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари учун ижтимоий солиқнинг 1 фоизлик ставкаси қўлланилмоқда.

Мажлисда сенаторлар томонидан тадбиркорлик субъектларига вақтинчалик солиқ имтиёзларининг берилиши орқали хизматлар, туризм, капитал бозор ва тиббиёт соҳаларини ривожлантиришга, янги иш ўринлари ярати-лиши ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга эришилиши таъкидланди.

Шунингдек, қонуннинг қабул қилиниши натижасида солиқ-боғжона тизимининг таъминлаштирилиши, тадбиркорлик муҳитининг яшиланиши, натижада аҳоли даромадларининг ортишига эришилди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, ялпи мажлисда дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуа фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг атроф-муҳит, сув ва йўл ҳўжалиги объектларига салбий таъсири юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масала қўриб чиқилди.

Ҳукумат томонидан дарё ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуа фойдали қазилмаларни қазиб олиш, ер ости сувларига қудўқ бургилаш, улардан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича “йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, уларга мувофиқ муайян ишлар амалга оширилган.

Хусусан, сув ҳавзаларида жойлашган дарё ўзанларини тозалаш ва норуа қум-шағал қонларини тасаруф этаётган тадбиркорлик субъектларини ўрганиш мақсадида экологик назорат тадбирлари ўтказилган. Ушбу тадбир доирасида ўзбошимчилик билан фаолият олиб бориб, ҳуқуқбузарлик содир этган 58 нафар шахсга нисбатан 444 миллион сўм микдорда маъмурий жарима қўлланилган.

Сенаторлар олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда бу борада сакланиб қолаётган муаммолари масалалар ҳақида тўхталиб ўтилди.

Жумладан, норуа фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳудудларида назорат мосламаси (репер), чегара ҳудудларини қўрсатувчи бетон қозилқар, тальвег контурлари туширилган топохарида ўрнатиб, қирғоқларни босқичма-босқич мустаҳкамлаш ҳамда маркшейдерлик назоратини йўлга қўйиш каби ишлар етарли даражада амалга оширилмаганлиги қайд этилди.

Мутасадди вазирлик ва идоралар қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижросини лозим даражада таъминламаганлиги сабабли ҳудудларда ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан белгиланмаган жойлардан қум-шағал аралашмаси ноқонуний ва нотўғри қазиб олинмоқда.

Бу ер усти ва ер ости сувларининг камайиб кетишига, сувни муҳофаза қилиш зоналари ботқоқлашиши ва ифлосланишига, қирғоқларнинг емирилишига, қирғоқлардаги ўсимликлар флораси камайишига, ўрмонзорлар қисқаришига, шунингдек, тупроқларнинг

деградацияга учрашига, транспорт ва гидротехника инфратузилма объектларининг авария ҳолатига тушиб қилишига олиб келган.

Дарё ўзанларининг кенгайиши натижасида сувнинг парланши ҳамда филтрацияси-нинг ортиси ҳисобига қишлоқ ҳўжалиги экин майдонлари ва аҳоли томорқаларини сув билан таъминлаш даражаси пасаймоқда.

Бундан ташқари, дарёларнинг муҳофаза минтақаларида тош майдалаш цехлари жойлашган бўлиб, улардан чиқаётган оқова сув-жуд муаммо ва камчиликларни бартараф оқизилиши натижасида дарё сувининг нефть маҳсулотлари, темир ва муаллақ моддалар билан ифлосланиш даражаси ортиб бормоқда.

Муҳокама якунида ушбу масалаларга ойдинлик қиритиш мақсадида Вазирлар Маъкамасига парламент сўровини юбориш тўғрисида Сенатнинг қарори қабул қилинди.

Сўнгра сенаторлар иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳасида маҳаллийлаштириш дастурларининг ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Мажлисда мамлакатимизда маҳаллий-



Хасан ПАЙДОВЕВ олган сурат.

лаштириш дастури асосида 2021 йилда амалга оширилган ишлар муҳокама этилди.

Хусусан, ўтган йили 2 миндан ортиқ лойиҳалар доирасида жами 24,4 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш белгиланган бўлиб, амалда 1 938 та лойиҳа ишга туширилган, натижада 30,1 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Мазкур лойиҳалар доирасида 254 турдаги 411 миллион АҚШ доллари микдорнда маҳсулотлар экспорт қилиниб, 12 400 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилган.

Муҳокамалар жараёнида амалга оширилган лойиҳалар доирасида сув ташувчи юк машинаси, бурғилаш насоси, кичик қувватли электр моторлар, ультратовушли сув ўлчигчлар сингари маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилгани қайд этилди.

Ўз навбатида, сенаторлар маҳаллийлаштириш дастурини таъминлашда айрим муаммоларга ҳам эътибор қаратди.

Маҳаллийлаштириш даражасининг пастлиги импорт ҳомашё ва материалларга юқори даражада қарамлиқни юзага келтириб чиқармоқда. Натижада маҳсулот нархи ошиб, аҳолининг харид қобилиятига салбий таъсир қўрсатмоқда.

Жумладан, 2021 йилда маҳаллийлаштириш дастурига қиритилган 1,9 триллион сўмлик 115 та лойиҳа ишга туширилмаган, 203 та лойиҳа бўйича маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқариш режаси бажарилмаган.

“Ўзавтосаноат” АЖ, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, “Ўзмахсумсонтаҳқурилиш” АЖ, “Ўзтўқимчиликсаноат” уюшмаси, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси-нинг, ҳудудлар кесимида эса Хоразм, Қашқадарё, Андижон, Самарқанд вилоятларининг маҳаллийлаштириш режалари ижроси тўлиқ таъминланмаган.

Бундан ташқари, www.cooperation.uz электрон портали орқали қонунчиликка зид равишда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш, юқори нархларда харидларни амалга ошириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчи субъектлар бўлмаган ҳамда импорт товарларини электрон кооперация бйрасида сотиш ҳолатлари аниқланган.

Муҳокама якунида иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳасида маҳаллийлаштириш дас-

турлари ижроси юзасидан Ҳукуматга парламент сўрови юбориш тўғрисида Сенатнинг қарори қабул қилинди.

Шундан кейин сенаторлар экспорт ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлаш ва унинг номенклатурасини диверсификациялаш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасига юборилган парламент сўрови натижаларини муҳокама қилди.

Мажлисда Ҳукумат томонидан экспорт ҳажмини оширишга тўсқинлик қилаётган мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Хусусан, парламент сўрови муносабати билан аниқланган муаммоларни бартараф этиш мақсадида тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инвестициялар ва ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришининг норматив-ҳуқуқий базасини комплекс тизимлаштириш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, ҳужжат лойиҳаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини тартибга солиувчи қонун ҳужжатларини тизимлаштиришга қаратилган.



Парламент сўрови натижасида ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими фаолиятида узиллишларнинг олдини олиш чоралари қўрилган. Хусусан, дастур Давлат боғжона қўмитасининг эскирган серверларидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида ўрнатилган замонавий юқори тезликдаги серверларга ўтказилган.

Шу билан бирга, сенаторлар соҳада айрим камчиликлар сакланиб қолаётганлигини, уларнинг бартараф этилиши экспорт ҳажмини янада оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Мажлисда Давлат солиқ қўмитаси томонидан экспортчи қорхоналарга қўшимча қиймат солиғи суммасини қоплаш тизимини қўриб чиқишга муаммолар танқидий қўриб чиқилди.

Бундан ташқари, сенаторлар Ўзбекистонда сўғурта фаолияти ва экспортдан олдин молиялаштиришининг замонавий халқаро стандартларини имкон қадар тезроқ жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қўриш зарурлигини таъкидлади.

Муҳокамалар якунида Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенат ялпи мажлисда мамлакатимизда газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳолати ва соҳага оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши бўйича Ҳукумат томонидан қайта қўриб чиқилган парламент сўрови натижалари ҳам муҳокама этилди.

Хусусан, мамлакатимиздаги 196 та автотомобилларга газ тўлдирish компрессор шохчасида (АГТКШ) 1300 та камчилик аниқланган бўлиб, 815 таси ўз вақтида бартараф қилинган бўлса, мавжуд муаммоларни ҳал этишдан 70 та АГТКШнинг фаолияти вақтинча тўхтатилган.

Шу билан бирга, парламент сўровида қўтарилган айрим масалалар юзасидан асосли жавоблар тақдим этилмаган. Хусусан, Вазирлар Маъкамасининг 2017 йил 11 октябрдаги 815-сонли қарори талабларнинг ижроси тўлиқ таъминланмаган ва эътиборсиз қолдирилган.

Бугунги кунда сиқилган табиий газ-3 типидagi баллонлар билан жиҳозланган ва йўловчи ташийдиган “JV MAN Auto-Uzbekistan” МЧЖ ҚҚда ишлаб чиқарилган

Халқ сўзи

2022 йил 9 июль

“MAN A 22 CNG” русумли барча автобуслар техник синовдан ўтказилмаган ҳолда аҳолига хизмат қўрсатган.

Шунингдек, юк ва йўловчи ташви фаолияти билан шуғуланувчи автотранспорт воситаларига ўрнатилган газ баллонларини техник синовдан ўтказиш бўйича синов лабораторияларида зарур шароитлар яратиш юзасидан ҳам аниқ жавоб тақдим этилмаган.

Муҳокамада сенаторлар томонидан мамлакатимизда тегишли техник талабларга жавоб берадиган ҳамда хавфсизлиги тўлиқ қоплатилган газ баллонларини ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга Ҳукумат даражасида етарли эътибор қаратилмаганлиги таъкидланди.

Жумладан, 2020 — 2022 йиллар давомида автотранспорт воситаларида ўрнатилган ва портланган газ баллонларининг 70 фоизига яқини Хитой Халқ Республикасидан импорт қилинган. Ҳолбуки, юртимизда хавфсизлик талабларига жавоб берадиган газ баллонларини ишлаб чиқарувчи 3 та қорхона мавжуд ҳолос.

Бундан ташқари, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси томонидан мутасадди вазирлик ва идораларга хавфсизлиқни таъминлаш мақсадида қиритилган тақдимномаларга эътиборсизлик билан қаралганлиги қайд этилди. Ҳукуматдаги мутасаддилар эса бундай ҳолатга нисбатан таъсирчан муносабат билдирмаган.

Мажлисда парламент сўровида келтирилган муаммоларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни Вазирлар Маъкамаси томонидан давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенаторлар ҳомиладор ва репродуктив ёшдаги аёллар ҳамда гўдақларга қўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасига юборилган парламент сўрови натижаларини ҳам муҳокама қилди.

Сенаторлар томонидан парламент сўровида қўтарилган масалалар юзасидан муайян ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Хусусан, 2021 йил давомида 8,8 миллион нафар туғиш ёшдаги аёллар (умумий сонидан 98,2 фоизи) тиббий қўриқдан ўтказилиб, улардан 3,9 миллион нафариди (44,3 фоизи) экстрагенитал касалликлар аниқланган. Касаллик аниқланганлардан 3,5 миллион нафари (91,8 фоизи) амбулатор ва стационар шaroитда соғломлаштирилган.

Шунингдек, ҳудудлардаги туман марказларидан узоқда жойлашган тоғли, қўл ва бориш қийин бўлган қишлоқларда “Қўчма врачлик бригадалари” ёрдамида 658,5 минг туғиш ёшдаги аёллар тиббий қўриқдан ўтказилган. Натижада 275,6 минг нафариди (41,9 фоизда) турли касалликлар борлиги аниқланиб, уларнинг қарийб 94 фоизи соғломлаштирилган.

Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази, Республика скрининг маркази ҳамда Иختисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази негизида ягона марказ ташкил этиш, ҳар бир ҳудуд учун “йўл хариталари” ишлаб чиқиш белгиланди.

Шу билан бирга, сенаторлар томонидан парламент сўровида қўрсатилган айрим масалаларни ҳал этиш чоралари етарли даражада қўрилмаганлиги қайд этилди.

Хусусан, туғуруқ муассасаларининг юқла-маларини улардаги ўрин фондида ҳамда белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мослигини таъминлаш бўйича аниқ режа ишлаб чиқилмаган.

Парламент сўровига юборилган жавобда гўдақлар ва кичик ёшдаги болаларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар то

Самира САИД-ФОЗИЕВА,
юримик фанлар номзоди.

О, СЕНИНГ ЁШЛИГИНГ МЕНДА БЎЛСАЙДИ...

Мени қувонтирадигани шуки, ўғил-қизларимиз орасида тадбиркорликка иштиёқ жуда кучли. Ўз мулки, ўз маблағи, ўз корхонасини жадал ишлаб, ҳалол даромад топишни, юртга наф келтиришни хоҳловчи ўғил-қизларимга жуда ҳавасим келади.

“Янги Ўзбекистон” боғида Президент Шавкат Мирзиёев юртимиз ёшларини байрам билан табриклаб, “Сизлар билан учрашиб, тақдир ва ташаббусларини бизни эшитиш менга ҳар доим қувонч ва гурур бағишлайди. Шижоат ва интилишингизни қўриб, ёниб турган кўзларингизга боқиб, ўзимга битмас-туғанмас куч олам. Сизлар билан шундай катта куч-қудрат эгасисизлар” деди.

Ҳа, навқирон авлод катта куч-қудрат манбаи. Зиммамизда бу кучни юрт истиқболи сари йўналтиришдек улғувор вазифа турибди. Юртбошимиз учрашувда “ёшлар дафтери”да кўзда тутилган имтиёз ва енгилликлар энди 14 — 17 ёш оралиғидаги 3 миллион нафарга яқин ўғил-қизларга ҳам татбиқ этилишини, имтиёзлар сони ҳам ҳозирги 11 тадан 25 тага кўпайтирилишини маълум қилар экан, ёшларнинг ғайрат, шижоат, иштиёқ ва фидойилик сингари улғувор туйғуларини назарда тутгани аниқ.

Мисол учун олайлик, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, мақом хонандалиги, мақом чолғу ижрочилиги, бахшичилик ва фортепиано йўналишларида янги қабул қилинган талабаларнинг шартнома тўловлари тўлиқ давлат томонидан тўлаб берилади. Техникумларга қабул йилда икки марта ташкил этилиб, талабалар учун давлат гранти сони 2 баробар оширилади. Улар учун ҳам таълим кредити жорий қилинади. Хусусий таълим муассасаларида дастурлаш, веб-дизайн, анимация каби касбларни ўрганиш истағидаги ўсмирларга ҳам 20 миллион сўмгача миқдорда 4 йиллик имтиёзли кредит тақдим этилади. Бундай имконият ва имтиёз ўғил-қизларимизни яратувчанликка, кашфиётларга ва умуман, интилишга ундамаслиги мумкинми, ахир?!

Шавкат Мирзиёев ёшларга академик шоир Ғафур Ғуломнинг сўзлари билан мурожаат қилди:

Сиз ахир осмонни олмак бўсангиз, Не учун елкамни тутиб бермайин?

Фикри ожизимча, Президентимиз эртаимиз эгаларига барча шартитни яратиб бериш орқали уларнинг ташаббускорлигини ҳам оширишни кўзламоқда. Бу жиддий ўйлайдиган мавзу. Фарзандларнинг ташаббусларини қўллаш ўрнига ҳар тарафдан уларни қайтариб турган раҳбарлар, ота-оналар ҳам бор. Бу билан улар боланинг руҳини синдиради, жамиятга катта зарар етказиши. Иккинчи томондан, боланинг режиси келахак-ка, яъни ўзининг замонаига дахлдор. Биз ота-оналар эса бугун-



нинг одаммимиз. Инсонларнинг тарбия борасидаги ана шу камчилигини тузатмоқ учун ҳазрати Али розияллоҳу ану: “Боланинг ўзининг замонаига қараб тарбияланг”, деган эди. Зеро, тобора жадаллаб бораётган техника тараққиёти асри инсонлар олдида турли-туман муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқдаки, уларнинг ечимини навқирон авлод иштирокисиз топишининг сира ҳам иложи йўқ.

Президентимиз ёш авлодга мисол қўрилмаган шартитларни яратиб беришти. Қани айтинг, қайси мамлакатда ўсмирларга илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги тўғарақлар учун 6 ой давомидда 300 миң сўмдан пул тўлаб берилади. Маҳаллий олимпиадаларда қатнашиш харажатлари учун 1 миллион 200 миң сўмдан, нуфузли халқаро олимпиадалар учун 12 миллион сўмдан маблағ ажратилишини шу ёшга кириб ҳеч қачонда эшитганим йўқ. Боз устига, “темир дафтар”, “аёллар дафтери” ва “ёшлар дафтери”га киритилган оилаларнинг фарзандлари учун йилда бир маротаба мактаб формаси ҳамда ўқув қуролларини сотиб олиш харажатини давлат ўз зиммасига оляпти.

Истеъдодли ёшлар халқнинг, миллатнинг ноёб мулки ҳисобланади. Уларга имкон берилса, меҳнат ва изланишлари ўз вақтида рағбатлантирилса, ҳаёт янада фаровон бўлади. Шуларча замонада бунинг тамомилла акси бўлди. Бугун мамлакатимиз пойтахтида, вилоятларда, шаҳар ва туманларда ўтказилаётган ҳунармандлар, ишбилармонлар, тадбиркор ташаббускор ватандошларимизнинг, ёшларнинг ижод намуналари намойиш этилаётган кўргазмалар билан танишар эканмиз, бу фикрнинг нечоғли тўғрилиғига ишонч ҳосил қиламиз. Янги Ўзбекистон шартитида вояга етган авлод халқимизнинг ҳеч нарсасга қийсалаб бўлмайдиган бебаҳо хазинаси, муқаддас бойлиғидир.

Кейинги йилларда тараққиётимиз солномасига назар ташлаган киши янгича дунёқараш ва фикрлаш, шу билан бирга, мамлакат, миллат тақдирини ўқув масъулият ва бундан фахр-ифтихор туйиш ҳисси пайдо бўлганига гувоҳ бўлади. Мана шунинг ўзи энг катта ютуғимиз, истиқлол иморатининг мустаҳкам пойдевори, келахак сари йўғрилган нигоҳи!

Январ ИНОЯТОВ,
Қашқадарё вилояти ҳокими маслаҳатчиси.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ УЧУН МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти, биринчи навбатда, иқтисодиётимизнинг барча тармоғини жадал суръатлар билан изчил ривожлантиришдан иборат. Бу вазифани муваффақиятли урдалашда тармоқлар учун чуқур билим ва амалий кўникмаларга эга салоҳиятли ёш кадрларни тайёрлаш алоҳида ўрин эгаллайди.

Мушоҳада

Ушбу мақсад — инсон капиталини юксалтириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг энг муҳим, узвий қисмларидан биридир. Бу йўлда узлуқсиз таълим тизимини ҳар томонлама ривожлантириш, уни маълумлаш ва амалий тажрибага эга бўлган шижоаткор мутахассислар билан таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ислохотлар жараёнида юзга келаятган муаммолар тахлил этилиб, қадамма-қадам ҳал қилиб келинмоқда. Кейинги даврда таълим тизимини ривожлантириш масалаларида Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Хусусан, шу йил 21 июнда имзоланган “Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини таъминлаш тўғрисида”ги Президент қарорлари мамлакатимизда таълим сифатини яхшилаш, халқаро миқёсда эътироф этилган янги таълим дастурларини ва педагогик технологияларни жорий қилиш ҳамда республиканинг барча ҳудуд-

дида малакали педагог кадрларни тайёрлашни самарали йўлга қўйишга қаратилган. Тошкент давлат педагогика университети илғор халқаро талаблар асосида трансформация қилишни кўзда тутувчи Президент қарори билан 2022 — 2026 йилларда ушбу олийгоҳни комплекс ривожлантириш дастури ва унинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди. Ушбу дастурлар асосан университетнинг иқтисодлик кафедраларига малакали хорижий мутахассислар жалб қилинади. Профессор-ўқитувчилар томонидан олиб бориладиган илмий тадқиқотларни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш учун тегишли чоралар қўрилади. Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизими жорий қилинади ва университетга акадмик, ташкилий ҳамда молиявий мустақиллик берилиб, талабаларни ўқитишга қабул қилиш, ўқув дастурларини ташлаш ва тўлов-шартнома тизими параметрларини аниқлашда катта эркинликлар яратилади.

Бу ишларнинг амалга оширилиши университетнинг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ваколатли халқаро ташкилотлар билан биргаликда аккредитациядан ўтказиш



ҳамда ўқув муассасасини олий таълим ташкилотларининг нуфузли халқаро рейтингларига киритиш имконини беради. Қарор билан 2023 йилдан бошлаб дунёдаги энг нуфузли мингталикка кирувчи университетлар билан ҳамкорликда 3 та йўналишда қўшма ўқув дастурларини йўлга қўйиш белгиланган. Бундай дастурлар университет битирувчиларига ҳамкор хорижий университетнинг дипломини олиш имконини беради. Қарорга мувофиқ, университет тузилмасида таълим жараёнига илғор технологияларнинг татбиқ этилиши, педагогларнинг касбий ривожлантирилиши ва тизим мутахассисларини қайта тайёрлашга иқтисослаштирилган тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлигининг йўлга қўйилиши ушбу олийгоҳга мамлакатимиз таълим соҳасини илмий-методик жиҳатдан таъминлаб беришчи ягона марказ сифатида фаолиятини қайтадан ташкил этишга имкон беради ва мамлакатимизнинг тўғри педагогика маркази деган номини яна бир бор тасдиқлайди.

Педагог кадрларни тайёрлашни бутун Ўзбекистон бўйича самарали йўлга қўйиш ва ҳудудлардаги юқори малакали педагог кадрларга бўлган реал талабларни тўла қондириш мақсади-

да Президентимизнинг қарори билан мамлакатимизда 10 та янги педагогика олийгоҳи — Урганч, Наманган, Гулистон, Самарқанд, Андижон, Бухоро, Термиз ва Қарши шаҳарларида педагогика институтлари, Жиззах ва Чирчиқ шаҳарларида эса педагогика университетлари очилади. Ушбу янги ўқув масканлари фаолияти жойлардаги мавжуд университет ва институтларнинг педагогика таълим соҳаларидаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари асосида йўлга қўйилади.

Педагогика йўналишидаги олий билим муассасаларида таълим сифатини ошириш учун уларнинг ўқув дастурлари хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда қайтадан қўриб чиқилади ва уларнинг халқаро стандартлар классификаторлари ва баҳолаш дастурларига мослиги таъминланади. Педагогик олий таълим муассасалари ўртасида академик мобилликни жорий этиш мақсадида уларнинг ўқув режалари ва таълим дастурлари бир-бирига мослаштирилади. Бундай ёндашув бутун республика бўйича бир хил стандартларда мутахассис тайёрлашга, профессор-ўқитувчилар, стажёр ва докторантлар учун академик алмашувларга кенг имконият яратди.

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг таълим соҳасини чуқур ислох қилиш ва сифатини тубдан ошириш, уни халқаро тажриба асосида янгидан ташкил этишга қаратилган ушбу икки қарори тизим учун юксак малакага эга шижоатли кадрлар тайёрлашни янги босқичга олиб чиқади. Шу билан бирга, янги Ўзбекистон бунёдкори бўлиши ёшларимизга энг илғор таълим дастурлари асосида чуқур билим олиб, келгусида мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиғига ҳисса қўладиган етук мутахассислар бўлиб улғайиши учун кенг имкониятлар эшигини очди.

Эркин ЗОХИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари
қўмитаси раиси.

Реклама ўрнида




“Qishloq qurilish bank” ATB
jamoasi barcha yurtdoshlarimizni

Qurbon hayiti

bilan samimiy muborakbod etadi.
Ayyomingiz muborak bo'lsin!

“QUANT” mobil ilovasini yuklab oling va
pulingizni uyda turgan holda boshqaring!

Unutmang! Qaysi bank mijoz bo'lishingizdan qat'i nazar, “QUANT” Siz uchun juda zarur.



“Qishloq qurilish bank” –
farovon hayotingiz xizmatida!

www.qqb.uz
t.me/qqbank
(78) 150 00 55
1254

Xizmatlar litsenziyalangan.

«УСМОН НОСИР» ДРАМАСИНИНГ ПРЕМЬЕРАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат музыкали театрида ўзбек адабиётининг ёрқин ва забардаст вакили, оташин шоир Усмон Носир ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган “Усмон Носир” тарихий музыкали драмасынинг премьераси бўлиб ўтди.

Санъат

Президентимизнинг 2022 йил 10 февралдаги қарори асосида мамлакатимизда оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Режиссёр Достон Ҳақбердиев бошчилигида саҳналаштирилган драма мазкур қарор ижросининг яна бир амалий намунаси экани билан аҳамиятлидир. Жўшқин истеъдод эгаси ҳаёти, жумладан, жазо бўлмасидаги сўнгги куни акс эттирилган асарда шоирнинг хотиралари, ҳаёллари ва дардлари ҳар қандай томошабинни ҳаяжонга ва изтиробга солади, ўйга чўмдиради.

Мураккаб саҳналарга бой спектаклда Равшан Ибрагимов Усмон Носир ролини ижро этди. Бундан ташқари, Меҳри Бекжонов, Маъсуда Отажонова, Оқила Ғуломова, Жамолбек Валиев каби актёрлар ўз маҳоратини намойён қилган.

Шунингдек, пьеса композитор Муштафо Бафоев, постановкачи расмун Миржалол Ҳолиқов, адабий маслаҳатчи академик Наим Каримовнинг сазй-ҳаракатлари натижасида юзга келди.

Ёзувчи Жавлон Жовлиев қаламига мансуб ушбу пьеса премьераси адабий жамоатчилик томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинди.

Нодирбек ИБДУЛЛАЕВ.

Нодирбек ИБДУЛЛАЕВ.

МАҲАЛЛА РАҲБАРЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ПГС корхонаси энергия тежовчи, экологик тоза, керамик иситиш элементларида сертифицикатланган электр сауналарини ҳамда ҳаммомлар учун ускуналар, шунингдек, автоматик иситиш ва автоматик сув таъминоти билан душ кабиналарини тақдим этади.

Барча жиҳозлар 12 ойлик иш вақти кафолатига эга бўлиб, 5 йиллик бепул хизмат кўрсатилади.



www.pgs.uz

Махсулот сертифицикатланган. Тел.: 71-279-38-54, 71-279-25-23, 95-169-78-51

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 24 563 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбўтчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45 Топширилди — 02.05 1 2 3 4 5 6